

FORMATION OF SPEED IN FAMILIES CREATED BY CONVERGENT DURATION

Mirxamidova Nodira Azimjonovna

*Lecturer of the Department of Genetics, Selection and Seed Production of Agricultural Crops, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology.
Andijan, Uzbekistan*

ФОРМИРОВАНИЕ СКОРОСТИ В СЕМЕЙСТВАХ, СОСТАВЛЕННЫХ КОНВЕРГЕНТНОЙ ДЛИТЕЛЬНОСТЬЮ

Мирхамидова Нодира Азимжоновна

Преподаватель Кафедры генетики, селекции и семеноводства сельскохозяйственных культур, Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий. Андижан, Узбекистан

Annotation: Extensive measures are being taken in our country to create new varieties of cotton that are competitive, the fiber quality meets the requirements of the world cotton market. As a result, valuable selection products are being created that are resistant to heat, water shortages, insects and pests, and other factors. The Action Strategy of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 pays special attention to the development of agriculture, especially cotton. In this regard, it is important to expand research work on the creation and introduction into production of new selection varieties of agricultural crops that are resistant to diseases and pests, suitable for soil and climatic conditions.

Аннотация: В нашей стране проводятся масштабные мероприятия по созданию новых сортов хлопка, конкурентоспособных, качество волокна соответствует требованиям мирового рынка хлопка. В результате создаются ценные продукты селекции, устойчивые к жаре, недостатку воды, насекомым и вредителям и другим факторам. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особое внимание уделяется развитию сельского хозяйства, особенно хлопкового. В связи с этим важно расширить научно-исследовательскую работу по созданию и внедрению в производство

новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, подходящих для почвенно-климатических условий.

Ключевые слова: Отбор, селекционная семья, продуктивность, рекомбинация, наследственность, гибрид, конвергент, гребень.

Keywords: Selection, selection family, productivity, recombination, heredity, hybrid, convergent, ridge.

Дунё микёсида ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ғўза селекциясида бошқа кишлок хўжалик экинларида фойдаланилаётган турли усуллардан кенг фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Конвергент дурагайлашда юз берадиган трансгрессив ўзгарувчанлик натижасида янги генетик ўзгарувчанликлар манбаи бўлган рекомбинантларни ажратиш имкониятини ошириши, бу эса, қисқа вақт ичида қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга бўлган янги навлар яратиш имкониятини бериши бошқа экинлар селекциясида тасдиқланган. Ушбу изланишларда ўрта толали ғўза конвергент оилаларини айнан тола сифати кўрсаткичларига катта эътибор қаратилди ва ҳар томонлама баҳоланиб, тола сифати жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган янги тизмалар яратилади.

Кейинги йилларда турли хил дурагайлаш усулларини қўллаш асосида хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга генетик жиҳатдан бой рекомбинантлар яратилган. Лекин, ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга селекцион ашёлар яратишда қўлланилган конвергент оила ва тизмалар толанинг сифат кўрсаткичлари барқарорлашуви етарли даражада ўрганилмаган.

Тажрибанинг мақсади ғўзанинг конвергент дурагайлаш усулида яратилган оилаларида толанинг сифат кўрсаткичларини ўзгарувчанлиги ва шаклланишини айрим қимматли хўжалик белгилари билан биргаликда ўрганиш орқали юқори тола сифатига эга бўлган, генетик жиҳатидан бойитилган тизмалар яратишдан иборат.

Тажрибалар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ўқув-илмий ишлаб чиқариш хўжалиги шароитида олиб борилди.

Тажрибалар институтнинг тажриба далаларида олиб борилди. Минерал ўғитлар асосан уч муддатда: ҳақиқий чин барг чиқариш фазасида, ҳамда тўла гуллаш ва мева туғиш фазаларида берилди. Ўсимликлар ривожланиш даврида 4-5 марта суғорилди. Ҳар бир суғоришдан сўнг қатор оралари 10-15 см чуқурликда культивация қилиниб, сўнгра чопиқ ишлари ўтказилди. Бу техник чора-тадбирлар ўсимликларни яхши ўсиб ривожланишида жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Танланган намуналар 2,0 га майдонда, экиш схемаси 90x20x1, делянкада 25-50 уяли қилиб экилди. Андоза навлар сифатида V типга мансуб Наманган-77 нави олинди. Юқори авлод мураккаб дурагай ва оилалардан 25 донадан намунавий танлов, якка ҳамда оммавий танловлар олинди.

Трансгрессив рекомбинациялаш асосидаги конвергент О-32-35 оиласи “50% ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш” белгиси бўйича 61,3 кунни ташкил этиб ажратиб олинган оилаларга ва андоза навларига нисбатан эрта гуллаганлигини кўрсатди. Ўз навбатида, худда шу оила “50% ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичи бўйича ҳам 105,5 кунда пишиб, эртапишарликни намоён этди. Ажратиб олинган деярли барча оилалар Наманган-77 навига эса 50 % гуллаш даври 62,3 кунни ташкил этган бўлса, униб чиқишдан 50 % пишиш даври оралиғи 107,5 кунни ташкил этди. (1-жадвал)

1-жадвал

Конвергент оилаларни униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши

Оилалар	Оилаларни келиб чиқиши	50 % униб чиқиши, кун	Униб чиқишдан 50% гуллаш, кун	Униб чиқишдан 50 % пишиш, кун
О-634-635	ВК-2	6	62	110
О-329-330	ВК-5	7	62	107

О-325-326	СГ-1	8	64	117
О-32-35	СГ-1	5	61	105
О-85-90	К4	8	64	110
О-388-92	К6	6	64	105
О-521-26	К5хК6	5	62	103
О-630-32	К5хК6	4	61	103
ЭКФ _{0,5} =				
Андоза	Наманган-77	8	62	107

Вегетация даврининг навбатдаги “50% ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” белгиси бўйича О-630-32 (103 кун), О-521-26 (103,3 кун) оилалар тезпишарликни намоён этиб, андоза навидан 3-3,3 кунга эрта пишганлиги аниқланди. Ажратиб олинган қолган оилалар ҳам белги бўйича андоза навидан устунликни намоён этди

1 июл кузатувидан олинган маълумотларга қараганда, О-388/91, О-521/25 оилалар бироз пастрок бўйга эга бўлди (2-жадвал). Аммо ҳосил шох чиқариш сони бўйича 1-2 донага фарқ қилиб деярли катта фарқ қилмаганлиги билан баробар эканлиги аниқланди. Лекин шона чиқариш бўйича О-636/32, О-329/30 оилалари нисбатан 2-3 донага қолган оилалардан устунлик қилди. 1 июн кузатувида навларни ўсиш ва ривожланишини аниқлаганимизда О-636/32, О-634/35 вариантлар тез ўсиб қолган оилаларга нисбатан баландрок бўйга эга бўлди.

2-жадвал

Вегетация даврида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши

Оилалар	Оилаларни келиб чиқиши	1.06		1.07			1 август		
		бўйи, см	чин-барги, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, ўс/дона	Кўсақлар сони, дона	Бўйи, см	Ҳосил, шохи дона	Кўсақлар сони, дона
Наманган -77 (St)		18,3	3,8	46,4	7,8	8,7	76,3	14,5	18,7
О-521/26	К5хК6	17,8	4,4	57,2	8,7	9,3	95,2	14,2	19,1
О-630/32	К5хК6	17,1	4,2	53,4	8,2	10,4	93,3	14,5	19,4
О-329/330	ВК-5	16,5	3,6	51,5	8,4	9,6	91,2	13,7	18,6

О-225/26	ВК-5	15,8	3,8	47,2	7,8	8,4	87,1	13,9	18,7
О- 32/35	СГ- 1	15,5	3,4	43,3	7,4	8,6	83,2	13,6	18,2
О- 85/90	СГ- 1	14,6	3,5	37,8	6,7	7,9	65,4	13,7	17,9
О- 388/91	К4	16,7	3,2	35,7	6,4	7,7	75,5	13,6	18,4
О- 521/25	К6	13,8	3,7	33,6	6,2	7,4	63,2	13,4	17,4

1 август кузатувининг маълумотлари бўйича энг юқори бош поя бўйи О- 636/32 95,2 см, О-634/35 93,3 см, ўртача 1 тупдаги ҳосил шохлари О-636/32 14,4 дона, О-634/35 14,5 донани ташкил этди.

Демак, юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, вегетация даврида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича энг юқори кўрсаткич бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар асосида яратилган конвергент оилаларда намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А.А., Нариманов А.А., Ҳар бир ғўза нав учун популяцион таҳлил зарур//“Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари”мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами – Тошкент, 2017 йил, 20 декабрь - 43 б.

2. Автономов В.А. Автономов В.А. Оқпалак касаллигига чидамли ғўза навлари // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами. –Тошкент, 1993.- Б 91-96.

3. Аллашов Б., Ибрагимов П.И. ва бошқалар Аллашов Б., Ибрагимов Ш., Ибрагимов П., Шадраимов Э. Қўш дурагайлаш усулида олинган Т-550 тизмасида кўсак вазни ва бошқа белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни ўрганиш. // “Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения” номли халқаро илмий-амалий конференция тўплами.-Тошкент.2007.-Б-91-93.